

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 3-dekabr, chorshanba № 97 (15839)

Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch

## МАЪНАВИЯТ ОФЛОБИ

Китоб ўқиб ўтирган одамни кузатганмисиз? У қандай бахтиёр инсон-а! Буни фақат мутолаа лаззатини топганлар ҳис қилиши мумкин. Дарҳақиқат, мутолаа одамни ўзга бир олам сари етаклайди. Бу оламдан фақат маърифат, ҳаловат топади киши. Улуғ адиблардан бири: «Ҳар кун жаҳоннинг энг донишманд кишилари билан мулоқотда бўлишдан кўра қимматлироқ нима бор?», дея мутолаанинг инсон учун нақадар фойдали эканини таъкидлайди.

4-саҳифага қаранг



San'at

## Бунақаси бўлмаган эди!

— дейди халқаро танлов иштирокчилари

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида «Competizione dell'Opera» XIV халқаро ёш операчилар танлови якунига бағишланган гала-концерт бўлиб ўтди.

Унда ёш ижрочилар қаторида опера юлдузлари ҳам иштирок этди. Хусусан, 2012 йили Минскда ўтказилган танловнинг 1-ўрин соҳиби Раҳим Мирзакамоллов, 2013 йили Германияда ўтказилган танловнинг 2-ўрин соҳиби Рамиз Усмонов ва танловнинг жорий йилги ғолиблари барчани ўз истеъдоди билан сеҳрлади.

(Давоми 7-саҳифада)

Iste'dodli yoshlar — mamlakat tayanchi

## АБДУЛАЗИЗНИНГ КЕЛАЖАК АРХИТЕКТУРАСИ

Пойтахтимиз ва барча вилоятларимиз марказлари, йирик шаҳарларимизда қад ростлаб турган биноларга боқиб, бўйимиз ўша бинолар қадар юксалгандек бўлади. Айниқса, мустақиллик йилларида миллий меъморчилик анъаналаримиз ва замонавий жаҳон меъморчилиги услублари уйғунлигида бунёд этилган юзлаб иншоотлар юртимиз хуснига хусн қўшди.

5-саҳифага қаранг



O'zbekiston Konstitutsiyasi — xorijliklar nigohida

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ — ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимизнинг хоҳиш-иродаси, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрларини мужассамлаштирган ҳуқуқий қомусдир. Асосий қонунимиз хорижда ҳам юксак қадрланади. ЎЗА мухбирлари хорижликларнинг бу борадаги фикрлари билан қизикди.

Тхуан НАМ, ишбилармон (Жанубий Корея):

— Хизмат тақозоси билан бир неча йилдан буён оилам билан Ўзбекистонда яшаймиз. Гузал ва осойишта юртингиз, самимий ва меҳмондўст халқингиз биз учун жуда азиз бўлиб қолди.

Ўзи яшаб турган юрт-

нинг қонунларини билиш ва унга риоя этиш ҳар бир шахснинг бурчидир. Мен ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини яхши ўргандим. Унда мамлакатдаги чет эл фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланиши белгиланган. Бу мамлакатин-

гизда инсон қадрини ғоят улуғланиши, халқаро алоқаларга кенг йўл очилганидан далолатдир. Шу каби демократик тамойиллар Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувликни таъминлашда мустаҳкам асос бўлмоқда.

(Давоми 4-саҳифада)

Xushxabar

## 5 КАРРА ЭНГ ЯХШИ

Ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов бешинчи мартаба Осиёнинг энг яхши ҳаками деб эътироф этилди.



Юртбошимизнинг фармонига биноан «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган Равшан Эрматов Филиппин пойтахти Манилада Осиё футбол конфедерацияси ташкил этилганининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган маросимда тақдирланди. Жорий йилги футбол мавсуми сарҳисоби бўйича қитъа ҳакамлари ўртасида энг юқори кўрсаткични қайд этган ҳамюртимиз 2008, 2009, 2010 ва 2011 йилларда кетма-кет тўрт мартаба Осиёнинг

энг яхши ҳаками деб топилган эди. 2010 йили Жанубий Африка Республикаси ва жорий йил Бразилияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатларида кетма-кет иштирок этгани юртимиз спорти довуғини дунёга танитишда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилди. Жорий йилги мундиалда жами тўртта учрашувни аъло даражада бошқарган халқаро тоифадаги ҳақамимиз фаолияти давомида жаҳон чемпионатлари финал

босқичида энг кўп — тўққиз учрашувни бошқариб, дунё рекордини ўрнатди.

Тажрибали рефери ФИФА таснифидаги деярли барча нуфузли турнирларда ҳақамлик қилиб келмоқда. Унинг қитъамизда энг кучли ҳақам сифатида тан олингани нафақат ўзбек футболни ёки спортининг, балки халқимизнинг, Ўзбекистон ёшларининг ютуғидир.

Парвина ОМОНОВА, «Turkiston» мухбири

## ОДАМЗОД ВУЖУДИДАГИ ОФРИҚ

1-dekabr — Jahon OITSga qarshi kurash kuni

Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми дунё аҳлини ташвишга солаётган муаммолардан биридир. Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда жаҳон бўйича 34 миллион киши ОИВ (одамнинг иммунитет танқислиги вирусини) инфекциясига чалинган, ҳар йили уларнинг сони 2 миллион 700 минг нафардан кўпайиб борапти, 2 миллионга яқин киши эса бу касаллик оқибатида ҳаётдан кўз юммоқда. Улар орасида болалар ҳам бор.

ОИТС шунчаки касаллик эмас. У миллионлаб оилалар ҳаёти, фаровон турмуши ва осойишталигига раҳна солаётган иллатдир. Хўш, унга қарши мамлакатимизда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида «Turkiston» мухбири Республика ОИТСга қарши кураш маркази мутахассислари Гулифар Нормуротова ҳамда Эъзоза Абдумуталовага мурожаат қилди.

(Давоми 6-саҳифада)

## Yetakchilar forumi

## Ташаббус доим рағбатга муносиб

Бўстонлик туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида Ҳаракатнинг корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотлари етакчиларининг III республика форуми бўлиб ўтди.

Форумдан кўзланган мақсад етакчилар ўртасида ўзаро фикр алмашиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, уларнинг етакчилик қобилиятларини ривожлантириш, бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш, келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш ҳамда бошланғич ташкилотлар фаолиятини янги сифат босқичига кўтаришдан иборат.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида тасдиқланган Давлат дастурига мувофиқ жорий йилнинг 27 октябрдан 5 ноябрга қадар Ҳаракатнинг корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотлари етакчиларининг маҳаллий ўқув-семинарлари ҳамда «Энг намунали

бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг қуйи босқичлари ўтказилган эди.

«Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг ҳудудий босқичи якунига кўра, ҳар бир ҳудуддан 10 нафаргача ғолиб аниқланди ва энг намунали деб топилган жами 135 нафар бошланғич ташкилот етакчиси республика форумида иштирок этиш учун йўланма олди.

Ҳаракат қошида ташкил этилган ўқув-услубий марказ тренерлари иштирокчиларга етакчи фаолиятини ташкил этиш, бошқарув, ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш, ёшлар билан ишлашда педагогик, психологик ва социологик технологиялардан самарали фойдаланиш, лойиҳа ва таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда оммавий тадбирларни ташкил этиш бўйича билим ва тажрибаларини оширишга кўмаклашди. Ташкилотчилар тайёрлаган ўқув-услубий фильм қатнашчилар-



нинг маҳорат дарсларида олган билимларини мустаҳкамлади.

Оромгоҳда яқинда суратга олинган «Гумроҳлар» фильми намойиши ва кино ижодкорлари билан учрашув ҳам ташкил этилди. Шунингдек, етакчилар Ҳаракат муассислигидаги «Turkiston» ва «Молодёжь Узбекистана» газеталари, «Ёш куч» журнали, [www.kamolot.uz](http://www.kamolot.uz) сайти вакиллари билан учрашиб, ижодий жараён хусусида суҳбатлашди.

— Маҳорат дарслари,

фильм ва такрорланмас сахна кўринишлари менда катта таассурот қолдирди, — дейди «Камолот» ЕИХнинг Бектемир тумани Давлат солиқ инспекциясидаги бошланғич ташкилоти етакчиси Азиза Эшқулова. — Кўрик-танлов давомида эса етакчилик қобилиятимизни намойиш этдик. Форум тажрибамизни бойитиш учун айна муддао бўлди.

Форум доирасида «Таклиф ва ташаббуслар» танлови ташкил этилди. Билдирилган таклифлар асосида бошланғич ташкилотларнинг келгуси

йил учун намунавий иш режаси тузилди. «Энг намунали бошланғич ташкилот» танловининг республика босқичи доирасида эса иштирокчилар йиллик фаолияти тўғрисида ўз тақдимотини ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола этди. Танловни депутатлар, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши экспертлари баҳолаб борди. Тақдимотларни баҳолашда БТлар учун корхона, ташкилот ва муассасаларда яратиб берилган шароитлар, ёшлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда етакчининг шахсий ташаббуси, билим ва кўникмаси, етакчилик салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, «Заковат» интеллектуал ўйини, маданий тадбирлар ва спорт мусобақалари ташкил этилди.

Форум якунида энг намунали деб топилган уч нафар бошланғич ташкилот етакчиси ҳамда «Таклиф ва ташаббуслар» танлови ғолиблари тақдирланди.

**Зарнигор АБДУМАЛИКОВА,**  
**«Turkiston» мухбири**

## Xabarlar

Урганч давлат университетида «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» шиори остида ўзбек жанг санъати бўйича «Камолот» кубоги учун вилоят биринчилиги бўлиб ўтди.



## 54 нафарар спортчи Ғолиб

Мусобақада туманлардан сараланган 10-15 ёшли юз нафардан зиёд ўғил-қиз ўн уч вазн тоифасида ўзаро беллашди.

Ўзбек жанг санъати яқка кураш спорт турига киради. У юртимизда қадимдан шаклланган.

Жалолдин Мангуберди, Паҳлавон Маҳмуд, Заҳириддин Мухаммад Бобур каби буюк аждодларимиз жанг санъати билан шуғуллангани тарихдан маълум. Ҳалоллик, сабр-матонат, ўзини назорат қилиш ва

руҳан кучли бўлиш ушбу спортнинг асосий талабидир.

Мусобақа икки йўналишда ташкил этилди. Дастлаб ўғил ва қизлар шахсий комплекс машқларини бажарди. Шахсий беллашув эса фақат ўғил

болалар ўртасида кечди.

Якуний натижаларга кўра, 54 нафар спортчи мусобақа ғолиби сифатида медаль, диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**Шахло САФАШЕВА**

## ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК — ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши, Тошкент давлат юридик университети ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

Давра суҳбатида Бош қомусимизнинг яратилиш тарихи, унинг бугунги кундаги аҳамияти, унга киритилган зарур ўзгартишлар, сайлов қонунчилигида амалга оширилаётган ислохотлар, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини оширишда олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз борди.

Тадбирда Тошкент давлат юридик университети талабаларининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — фаровон ҳаётимиз пойдевори» ва «Сайловлар — демократия кўзгуси» мавзусидаги маърузалари тингланди.

**Феруза АҲМЕДОВА,**  
**ЎЗМУ журналистика факультети талабаси**

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида Конституциямиз қабул қилинганнинг 22 йиллиги муносабати билан «Конституция — инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолати» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда «Мамлакатимизда муҳофаза ва хавфсизликни таъминлашнинг конституциявий асослари», «Омбудсманнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашдаги устувор вазифалари», «Республикамизда инсон ҳуқуқлари миллий тизимининг шаклланиши, ривожланиши ва истиқболлари» каби мавзуларда маърузалар қилинди.

Илмий-амалий семинарда депутатлар, масъул идоралар вакиллари иштирок этди.

**Феруза ТўРАЕВА**

## Эко сессия

Нукус шаҳридаги 17-умумтаълим мактабида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Ёшлар Эко ҳаётни танлайди» лойиҳаси доирасида мини сессия бўлиб ўтди.

Лойиҳа тренерлари ўқувчи-

ларга экологик маданият ҳақида тушунча бериб, электр энергиясини тежаш йўллари ўргатди.

— Бугунги тренингда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш қандай иқтисодий самара-

га олиб келишини аниқ мисоллар орқали билиб олдим. Экохонадон ҳақида ҳам қизиқарли маълумотларга эга бўлдик, — дейди 8-синф ўқувчиси Рамуза Мамбетмуратова.

**Озода РЎЗИМОВА,**  
**Нукус давлат университети талабаси**

## Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

## Санъат моҳиятини англашга ёрдам беради

Бухорода давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида «Ватан келажаги сенинг қўлингда!» шиори остида республика тарғибот форуми ўтказилди.

Мамлакатимизда ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёш авлод онгига сингдириш, уларни ушбу жараён-

ларга кенг жалб этиш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Бухоро вилояти ҳокимлиги, «Ўзбек-

театр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳамда «Жаҳон адабиёти» журнали ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур форум доирасида ўтказилган «Ёшлар маънавиятини шакллантиришда драматургия ва театрнинг ўрни» мавзуидаги илмий-амалий конференция ҳамда «Саҳнада замондош образи» театр санъати фестивалида юртимиз илм-фани ривожига муносиб ҳисса

қўшган олимлар, маданият ва санъат дарғалари, профессор-ўқитувчилар, турли давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларида иборат тарғиботчилар ҳамда 5000 нафардан зиёд ёшлар иштирок этди.

Форум дастуридан ўрин олган тадбирлар Бухоро нефть ва газ sanoati касб-хунар коллежи, Бухоро шаҳридаги 32-меҳрибонлик уйи, Жондор, Ромитан ва Пешку туманларида бўлиб ўтди. Ўзбек Миллий академик драма те-



атри, Самарқанд, Навоий ва Бухоро мусиқали драма театрлари актёрлари томонидан сахналаштирилган спектакллар томошабинларга манзур бўлди.

**Лайло ҲАЙИТОВА,**  
«Turkiston» муҳбири

## Men saylovga tayyorman

## КЕЛАЖАГИМ УЧУН ОВОЗ БЕРАМАН!

Жорий йилнинг 21 декабрь санасида мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Марказий сайлов комиссиясининг маълумотларига кўра ушбу жараёнда йигирма бир миллион нафарга яқин Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши кутилмоқда. Сайловчиларнинг 500 минг нафарини биринчи марта овоз бераётган ёшлар ташкил этади.

**Тўлқин Абдуғаниев,**  
Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси:

— Сайловлар — мамлакатда қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатларнинг қанчалик демократик кучга эга эканлигини белгиловчи асосий мезондир. Турли давлатларда сайловларни ўтказиш шакли ҳар хил. Бизнинг сайлов тизимимиз халқаро сайлов андозаларига тўла жавоб бера оладиган тизимлардан бири ҳисобланади. Чунки юртимиздаги сайловлар мамлакатимиз аҳолисининг хоҳиш-истакларини ўзида ифода этмоқда.

Бу йилги сайлов фуқароларимиз, хусусан, тенгдошларимиз зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки мамлакатимизнинг эртанги куни

биз, ёшлар қўлидадир. Шунинг учун ҳам зиммамиздаги улкан вазифани ҳис қилган ҳолда овоз беришимиз лозим. Шундагина юртимиз ва элимиз учун фойдали инсонларни сайлаган бўламиз.

**Фурқат Мажидов,**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси:

— Сайловда биринчи марта овоз беришга қараганда бу билан мен мамлакатимиз ҳаётидаги сиёсий жараёнларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ўз вазифамни бажараман. Бу йилги сайловда кўплаб тенгдошларим мен қатори илк марта қатнашади. Биз келажакда фаровон ҳаётимиз учун кўмаклашадиган номзодга овоз

берамиз. Бундай номзодларни танлаш учун ёшлар сайлов қонунчилигини яхши билиши, сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг дастурлари билан, албатта, танишиб чиқиши лозим. Бу жараёнда ҳар бир сайловчи юрт ва халқ манфаатига алоқадор жиҳатларни эътибордан четда қолдирмаслиги керак, деб ҳисоблайман.

**Дурдона Исмоилова,**  
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети талабаси:

— Сайловлар фуқаролардан сиёсий фаолликни талаб қиладиган асосий жараёнлардан биридир. Жорий йилнинг 21 декабрь куни Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловда иштирок этиш орқали ўзимнинг сиёсий ва конституциявий ҳуқуқимдан фойдаланаман. Келажакда юртимиз сиёсий ҳаётида қандай қонунлар қабул қилиниши, уларнинг қай даражада халқимиз учун наф келтириши қайси ном-

зодни депутат қилиб сайлашимизга ҳам боғлиқ. Шу жиҳатдан биз, ёшлар сайлов жараёнига масъулият билан ёндашимиз лозим. Зеро, ўз келажакимиз учун овоз берамиз.

**Равшан Фозиев,**  
Тошкент кимё-технология институти талабаси:

— 2014 йил менинг ҳаётимда унутилмас лаҳзаларга бой бўлмоқда. Биринчидан, бу йил мен олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилиндим. Иккинчидан, 21 декабрь куни илк марта сайловда қатнашиб, ўз фуқаролик вазифаларимдан бирини бажараман.

Сайловлар — ўзини юрт тақдирига дахлдор деб ҳисоблаган ҳар бир фуқаро учун ўзига хос воқеадир. Чунки улар томонидан бериладиган овозлар мамлакатимизнинг эртанги кунини белгилаб бериши мумкин. Бу жараёнда, айниқса, биз, ёшлардан кўпроқ фаоллик талаб қилинади.

**Жавлон ВАФОЕВ,**  
«Turkiston» муҳбири

## Sarhisob

## Тўққиз ойга 625 медаль!

Олимпия шон-шухрати музейида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан «Ёшлар камолотида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни ва уни ривожлантириш истиқболлари» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда вазирлик ходимлари, спорт федерациялари, миллий спортни ривожлантириш маркази вакиллари ҳамда спортчилар иштирок этди.

Матбуот анжуманида Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Мурод Алиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спорт-

ни ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор ёш авлоднинг соғлом ва баркамол улғайиши, улар орасидан халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир иқтидорли спортчилар етишиб чиқишини таъминлаётганини таъкидлади.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оммавий спортни ривожлантириш

мақсадида вазирлик томонидан жорий йилнинг январь — сентябрь ойлари мобайнида 5300га яқин оммавий спорт тадбири ўтказилиб, уларда 1,5 миллион киши иштирок этди. Вояга етмаганлар ўртасида ташкил этилган тўрт мингдан зиёд турли мусобақаларда 975 мингга яқин ўғил-қиз қатнашди. Олимпия ва миллий спорт турлари бўйича ўтказилган 177та халқаро мусобақада ҳамда 44та ўқув-машғулот ийғинида жами 1598 нафар спортчи иштирок этиб, 186та олтин, 200та кумуш, 239та бронза, жами 625та медаль қўлга киритилди.

Анжуманда Соғлом бола йилида вазирлик томонидан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ва оммалаштириш борасида қилинаётган ишлар, ютуқлар тўғрисида маълумот берилди, ёшларни жисмоний тарбияга кенг жалб этиш, спортчиларимизнинг 2016 йилги ёзги олимпия ўйинларига пухта тайёргарлик кўриши ва келгуси йили мазкур нуфузли мусобақага йўлланма берадиган халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этишини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди, журналистларнинг саволларига жавоб берилди.

**Санжар ИСМАТОВ,**  
«Turkiston» муҳбири

## Kamolot hududi

## КАМРОВ КЕНГАЙМОҚДА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги «Ўқув-услубий марказ» нодавлат таълим муассасаси кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда раис Дилфуза Шодиева жорий йилнинг тўққиз ойи давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди. Ҳаракатнинг куйи тизимларида фаолият юритаётган масъул ходимлар, бошланғич ташкилот етакчиларининг малакасини ошириш, таълим муассасасининг ҳудудлардаги координаторлари штати жорий этилгани ҳақида ҳам айтиб ўтди.

Таълим муассасаси томонидан тўққиз ой давомида Ҳаракатнинг ҳудудий кенгаш раиси ўринбосарлари — «Камалак» болалар ташкилоти раислари, «Иқтидорли ёшлар билан ишлаш», «Спорт ва саломатлик лойиҳалари», «Маънавий-маърифий лойиҳалар», «Ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий лойиҳалар» бўлим мудир ва етакчи мутахассислари, Ҳаракатнинг маҳаллий кенгаш раислари ҳамда бош мутахассислари учун малака ошириш ўқув-курслари ташкил этилди.

— Ўтган давр мобайнида ахборот-ресурс марказини шакллантириш, марказ кутубхонасини илмий-бадний адабиётлар билан бойитиш ва методик йўналишлардаги қатор самарали ишлар амалга оширилди, — дейди муассаса раиси ўринбосари Тошпўлат Холиқов.

Йиғилиш давомида таълим муассасасининг логотипи, ходимлар фаолиятини мониторинг қилиш ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Кенгаш аъзолари ҳисобот ҳамда келгусида амалга оширилиши режалаштирилган ишлар юзасидан тақлиф ва мулоҳазалар билдирди. Кун тартибига қўйилган масалаларнинг амалда жорий этилиши аъзолар томонидан тасдиқланди.

**Алибек ОМОНТУРДИЕВ,**  
«Turkiston» муҳбири

# МАЪНАВИЯТИ ОФТОБИ

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

Инсониятнинг асрлар давомида тўплаган билим ва тажрибаси бугунги ва келажак авлоднинг бебаҳо бойлиги, улкан маънавий ва маданий мероси ҳисобланган китобларда жамланган. Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик ахборот ва маданият маркази саналмиш Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ушбу интеллектуал бойликнинг ноёб хазинасидир.

Ушбу маърифат маскани 1870 йилда Тошкент халқ кутубхонаси номи билан ташкил этилган ва турли номлар билан атаб келинди. 1920 йилда Тошкент халқ кутубхонасига Туркистон давлат кутубхонаси мақоми берилди. Орадан тўрт йил ўтиб, у Урта Осиё давлат кутубхонасига айлантирилди. 1948 йил кутубхона тарихида унутилмас йил бўлди. Мазкур муассаса номи яна бир бор ўзгартирил-

Кутубхонада 6,6 миллионга яқин манба мавжуд бўлиб, улардан 200 мингтаси қимматбаҳо намуналар, 16 мингтаси эса жуда ноёб ва алоҳида қимматга эга нашр намуналаридир.

ди: Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат кутубхонаси! Бу халқимиз, миллатимиз қўлга киритган энг катта ютуқлардан эди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, кутубхона фаолиятида муҳим ўзгаришлар бўлди. Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 20 февралда қабул қилинган «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 12 апрелдаги «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мазкур маърифат масканига Миллий кутубхона мақоми берилди.

Халқимиз азалдан китобни билим ва маънавиятнинг бебаҳо бойлиги сифатида қадрлаб келган. Истиқлол йилларида ушбу хайрли анъана янада тегран маъно-мазмун билан бойитилди. Мамлакатимизда ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг китобхонлик маданиятини юксалтиришга алоҳида

этибор қаратилаётир. 2011 йилда Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимиз марказида барпо этилган муҳташам «Маърифат маркази» бу соҳадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу марказдан ўрин олган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида китобхонларга ҳаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар яратилган.

— Бу ерда ҳаҳон талабларига жавоб берадиган автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими ва китобларни автоматик етказиб берадиган телелифт ҳамда юк кўтаргич, энг янги наشريёт-матбаа ва нусха кўчириш ускуналари ўрнатилган, — дейди Миллий кутубхона ўқув заллари раҳбари Одина Ҳамидова. — Буюртмаларни қабул қилиш ва тезкорлик билан бажариш учун компьютерлаштирилган диспетчерлик хизмати йўлга қўйилган. Шунингдек, кутубхонада кафе, киномарказ, китоб дўкони, кўрғазма зали, китоблар музейи, болалар хонаси, интернет ва медиамарказ, дам олиш хоналари мавжуд.

Шундай кутубхонада бўлишдан ор-

Ноёб нашрлар фақат илмий иш билан шуғулланувчилар учун берилади.

тиқроқ завқ борми дунёда?.. Китобларга қарашнинг ўзи қувончли. Миллий кутубхонамиз мамлакатимиз ва чет эл босма маҳсулотларидан иборат етти миллиондан ортиқ манба захирасига эга. Шундан, 6,6 миллиони босма, 3,3 мингга яқини электрон шаклдаги ресурслардир.

Кутубхонада бешта фонд-бўлим мавжуд, улар нота нашрлари, овозли ёзувлар фонди, матбуот нашрларини сақлаш фонди, депозитлар сақлаш фонди ва библиографик маълумот нашрлари бўлимларидир. «Ҳаҳон»



ЎАА суратлари



(хорижий манбалар), «Нодир» (ноёб ва алоҳида қимматга эга нашрлар, нодир қўлёзмалар), «Ўзбекистон» (миллий адабиётлар ва давлат тарихи), «Бунёдкор», «Истиқлол», «Тафаккур», «Илм», «Адолат», «Кашфиёт» (илмий манбалар), «Ижод» сингари ўқув заллари ҳамда медиамарказ китобхонлар ихтиёрида. Айниқса, нодир нашрлар фондида 250 мингдан ортиқ алоҳида қимматга эга китоблар, нодир ва қимматли нашрлар, қўлёзмалар, литографиялар сақланмоқда.

— Миллий кутубхонанинг доимий фойдаланувчисиман, бу ерда керакли барча маълумотларни топиш мумкин, — дейди Тошкент кимё технология институтини талабаси Суннатилла Шоймуродов. — Йилдан-йилга китобсеварлар учун яратилган шароитлар такомиллашиб бормоқда. Маълумот-

Кутубхонадаги китобларга маҳсус, билинмас чиплар ўрнатилган. Бундай чиплар 22 мингта китобда мавжуд.

ларнинг электрон усулда мавжудлиги биз, талабаларга анча қулайлик яратмоқда. Шунингдек, бу ерда интернет хизматларидан фойдаланиш ҳам жуда арзон.

Миллий кутубхонамиз 25 давлатнинг 30га яқин ташкилоти билан китоб алмашиш масаласида ҳамкорлик қилади. Миллий кутубхонанинг доимий фойдаланувчилари сони 95 мингдан ортиқ. Кутубхонадан ҳар йили қарийб 500 мингдан ортиқ киши фойдаланади. Уларга икки миллиондан ортиқ китоб ва ахборот манбалари тақдим этилади. Миллий кутубхона мамлакатимизда чоп этиладиган 150га яқин газета ва журналга, 45дан ортиқ хорижий матбуот нашрига обуна бўлган.

Кутубхонада автоматлаштирилган буюртма кафедраси ҳам бор. У ерда барча берилган ва қайтарилган китоблар ҳисоботи олиб борилади. Китобхон шундай электрон-кутубхона хизмати жойлашган хонадан истаган китобини буюртма қилиши мумкин. Сўралган китоб узоғи билан 10-15 дақиқа ичида етказилади.

Зиё масканида илмий-амалий конференция, семинар, қизиқарли учрашувлар, давра суҳбатлари, кўрғазмалар, фотоэкспозициялар доимий равишда ўтказиб келинади.

Мамлакатимизнинг бош кутубхонасининг буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий номи билан аталишида катта маъно бор, албатта. Зеро, мўътабар зотнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, ўлмас адабий мероси неча асрки, инсониятни эзгуликка, илму маърифатга даъват этиб келади. Миллий кутубхонамиз ҳам ўз мақсад ва зифалари, фаолият кўлами билан ана шу йўлда хизмат қилмоқда.

**Санжар ИСМАТОВ**  
«Turkiston» муҳбири

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ — ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

**Майкл ТЕНГ,**  
**Сингапур ишлаб**  
**чиқарувчилари**  
**федерацияси вакили:**

— Сингапурда қонунларга ҳурмат билан қаралиши кўпчиликка маълум. Ўзбекистонда ҳам бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилган — қонун устуворлиги Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбек модели»нинг асосий тамойилларидан бири сифатида белгиланган. Бундай оқилона сиёсат туфайли Ўзбекистон изчил ривожланиб бормоқда. Зеро, қонун устуворлиги тараққиёт асосидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, молия ва кредит тизими алоҳида бобларда баён этилган. Шу асосда ташкил этилган мулкчилик шакллари, қулай ишбилармонлик муҳити самарасида мамлакатнинг иқтисодий тобора ривожланиб бормоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот

ўсиши муттасил 8 фоиздан ошаётгани таҳсинга лойиқ.

**Маниша ГУПТА, ҳуқуқшунос**  
**(Ҳиндистон):**

— Дунё ҳуқуқшунослари эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқчилиги ҳақида кўп гапиради, анжуманлар ўтказиш, ҳужжатлар қабул қилади. Лекин мен билган конституцияларнинг ҳеч бирида бу тўғрисида алоҳида модда йўқ.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бу тамойил алоҳида модда билан мустаҳкамлангани эътиборга молик. Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар, деган бу модда мамлакат ҳаётида тула ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистон хотин-қизлари ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этмоқда. Сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини хотин-қизлар ташкил этиши лозимлиги тўғрисидаги қонунчилик нормаси ҳам алоҳида эътиборга сазовор. Тадбиркор аёллар сафи кенгаймоқда. Хотин-қизлар манфаатларига йўналтирилган нодавлат ташкилотлар қўллаб-қувват-

ланмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Конституциясида узқни кўзлаб белгиланган меъёр ва қоидалар самарасидир.

**Харви БОИСГУИЛЛАУМЕ,**  
**Франция Экология,**  
**барқарор ривожланиш ва**  
**энергетика вазирлиги**  
**департаменти директори:**

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик экани, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Шунга мувофиқ мамлакатингизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Табиатни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича манзилли дастурлар амалга оширилмоқда. Оролбўйидаги экологик ҳолатни яхшилаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар бунга мисол бўла олади.

**Поҳамба ШИФЕТА,**  
**Намибия атроф-муҳит ва**

**сайёҳлик вазирининг**  
**ўринбосари:**

— Дунёнинг кўп жойларида бўлганман. Лекин Ўзбекистондек чиройли юртни, ўзбек халқидек бағрикенг, тинчликсевар халқни учратмаганман. Бу принциплар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам ўз аксини топган.

Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, халқаро туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширадиган энг муҳим омиллар, ҳеч шубҳасиз, бутун дунёда, турли минтақаларда, сайёҳларни қабул қиладиган ҳар бир давлатда тинчлик, ҳавфсизлик, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий барқарорликни таъминлашдан иборат. Дарҳақиқат, тинчлик ва осойишталик барқарор мамлакатга сайёҳлар ҳам кўп келади.

**Муҳаммад МАҲМУД,**  
**Савдо, саноат,**  
**ҳунармандлик ва сайёҳлик**  
**вазирлиги департаменти**  
**директори (Мавритания):**

— Президент Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодий ба-

рқарор ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини мунтазам ошириш борасида амалга оширилаётган ишларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда чет эл сармоясини жалб этиш бўйича барча шарт-шароит, имконият ва имтиёзлар яратилгани хорижда кенг эътироф этилади. Бунинг тасдиғини мамлакатингизнинг халқаро алоқалари тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар билан ҳамкорликда йирик лойиҳалар амалга оширилаётганида кўриш мумкин. Шу боис мамлакатингиз билан савдо, саноат ва сайёҳлик соҳаларида яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш ва ривожлантириш ниятидамыз. Зотан, Ўзбекистонда чет эллик инвесторларнинг самарали фаолият юритиши меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан кафолатланган.

**ЎЗА муҳбирлари**  
**Ирода УМАРОВА,**  
**Нодира МАНЗУРОВА**  
**ёзиб олди.**

# АБДУЛАЗИЗНИНГ КЕЛАЖАК АРХИТЕКТУРАСИ



(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

Архитектура — ноёб санъат. Бинолар тарhini чизар экан, меъмор нафақат ўша жойга хос иқлим, геологик шароит, шу билан бирга одамлар табиати, анъана ва қадриятларга ҳам аҳамият бермоғи лозим бўлади. Азим Тошкент, қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанду Бухорони оламизми, Қўқону Хива, Термизу Андижонни оламизми, санъаткор-меъморлар мазкур шаҳарларга хос азалии меъморчилик анъаналарини албатта ҳисобга оладилар. Шу боис ҳам, зукко инсонга, дейлик, Қўқон, Хива ёки Бухоро шаҳарларидаги обидаларни кўрсатсангиз, уларни осон ажрата олади.

Сўзимизни архитектурага оид мулоҳазалар билан бошлаганимиз беҳиз эмас. Мақоламиз қаҳрамони Абдулазиз Мўминов ёш муҳандис-архитектор.

2010 — 2014 йилларда Наманган муҳандислик-педагогика институтида таҳсил олган

тенгдошимиз талабалигидаёқ бир нечта бино ва иншоотлар лойиҳасини яратди.

— Бирор бино тарhini чизиш ғояси туғилдими, уни қоғозга туширишга шошилмасликка ҳаракат қиламан, — дейди ёш архитектор. — Аввало, кўплаб бинолар лойиҳасини яхшилаб ўрганаман. Устоз меъморлар ишини кузатиб, улардан ўзимга керакли жиҳатларни оламан. Бошлаган ишим мукамал чиқишига интиламан. Талабалик даврида турли фанлардан сабоқ оларкан, иқтисод фани унинг эътиборини тортди.

— Қурувчилик соҳаси бевосита иқтисод билан боғлиқ, — дейди ёш муҳандис. — Бинони қуришда дастлаб унга қанча маблағ ва хомашё кетиши ўрганиб чиқилади. Бунда эса бевосита ҳисоб-китобга мурожаат этишга тўғри келади. Шу сабабли бу соҳани ҳам чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилдим.

Бугун хоҳлаган киши тадбиркорлик билан шуғулланиб, халққа хизмат қилиши мумкин. Меъморлик илмини эгаллаган Аб-

дулазиз кўнглида талабалигидаёқ яна бир мақсад пайдо бўлган эди.

— Кунларнинг бирида газетада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Ёш тадбиркор — юртга мададор» танлови ўтказилиши ҳақида ўқиб қолдим. Тоғам тадбиркор. Бўш вақтларимда у кишининг ишларига ёрдам бериб, шу соҳага ҳам қизиқиш уйғонган эди. Газетадаги мақола сабаб тадбиркорликда ўзимни синаб кўриш фикри туғилди...

Кўп ўтмай у ўзининг мустақил тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Аввалига қийинчиликлар бўлди, албатта. Лекин кимнинг ҳам бу соҳада бирданги иши юришиб кетади? Тоғасининг маслаҳатлари билан у ўз ишини аста-секин яхши йўлга қўйди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ва «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки ҳамкорлигида ёш тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва имтиёзли микрокредит маблағлари билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган «Ёш тадбиркор — юртга мададор» танловида қатнашиб ғолиб бўлганида эса у соҳа сирларини анча-мунча ўзлаштирган эди.

— Бу танловда «Сутни қайта ишлаб чиқаришнинг самарали фаолияти» деб номланган таҳлилий бизнес режа билан қатнашдим. 24 миллион сўмлик имтиёзли кредитни қўлга киритгач, сутни қайта ишлайдиган «Камолот-Азизбек» масулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйдик, — дейди Абдулазиз Мўминов. — Сутни қайта ишлаш орқали қатиқ,



сузма, творог, пишлоқ ва бринза каби маҳсулотларни ишлаб чиқаришни бошладик. Ҳозир йилига 500 килограмдан бир тоннагача маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз. Йиллик даромадимиз 20-25 миллион сўм атрофида бўлмоқда. Бу фаолиятимизни янада кенгайтириш ва ишга кўпроқ тенгдошларимни жалб этиш имконини бермоқда.

Иқтидорли тенгдошимиз тадбиркорликка оид билимларидан фақат ўзининг манфаати йўлида фойдаланаётгани йўқ. У «Ёш тадбиркор» консалтинг марказида тренерлик ҳам қилади.

— Кичик бизнес ва тадбиркорлик қанча ривож топса, бу мамлакатимиз иқтисодиёти учун шунча фойда, — дейди Абдулазиз Мўминов. — Марказимизга келган йигит-қизларга тажрибамдан келиб чиқиб маслаҳатлар бераман, қўлдан келганча йўл-йўриқ кўрсатаман.

«Менинг бизнес ғоям» лойиҳаси асосида эллиқдан ортиқ касб-хунар коллежи ўқувчиларига тадбиркорлик фаолиятини бошлашга яқиндан кўмаклашган қаҳрамонимиз ўзининг илғор ғоялари, билими, ташаббускорлиги билан кўпнинг ҳурматини қозонди. Институтда ташкил этилган ёшлар кенгаши раиси сифатида талабалар ҳаётида учрайдиган муаммоларни бартараф этишга, уларга ёрдам қўлини чўзишга ҳаракат қилди.

Турли семинар-тренинг ва тадбирлардаги фаол иштироки туфайли 2012 йилда «Камолот»

ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан таъсис этилган «Камолот» стипендияси соҳиби бўлди. Конституциямизнинг 20 йиллиги арафасида эса «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонига лойиқ топилди.

— Бу каби ютуқларга эришимиз янада кўпроқ ўз устимда ишлашга туртки бўлди, — дейди Абдулазиз. — Танлаган соҳамни чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилдим. «Куйдирмай олинандиган ишқорли боғловчилар» мавзуида илмий тадқиқот олиб бордим ва бу ишим мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

Ёш тадқиқотчининг ҳаракатлари ўз мевасини берди. Унинг номзоди 2013 йилда Беруний номидаги давлат стипендиясига лойиқ топилди.

«Соғлом танда — соғ ақл» шioriга амал қиладиган қаҳрамонимиз муай-тай билан мунтазам шуғулланади. Мусобақаларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Абдулазиз Мўминов етук мутахассис бўлиш ва янада кўпроқ билим олиш мақсадида Тошкент давлат архитектура ва қурилиш институтининг қурилиш иқтисодиёти йўналиши бўйича магистратура босқичида таҳсил олмақда. Айни пайтда ёш архитектор «Қурилиш объектлари сметаларини шакллантиришни такомиллаштириш» мавзуида илмий иш олиб бормоқда.

**Назокат ҚУРБОННИЁЗОВА,**  
«Turkiston» мухбири

2014-yil — Sog'lom bola yili

## Кўрғазмали операциялар ўтказилди

Ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётган «Соғлом она — соғлом бола» ғоясини ўзида мужассам этган Миллий дастур доирасида юртимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, болаларга шошилиш ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати жаҳон андозалари даражасида такомиллашиб бормоқда. Бунда Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг педиатрия мажмуаси ва Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази фаолиятининг алоҳида ўрни бор. Ушбу тиббиёт муассасаларида касалликларга ташхис қўйиш ва даволашда илғор тиббий асбоб-ускуналар ва технологиялардан самарали фойдаланилмоқда.

Пойтахтимизда ўтказилган юртимиз педиатрларининг VII съезди ҳам айнан болалар саломатлигини муҳофаза қилишнинг устувор йўналишлари ва модернизацияси мавзуига бағишланди.

Педиатрия хизмати такомиллаштириш ва ўсиб келаётган авлод саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар натижасида юртимизда болалар ўлими кескин камайди, юқумли касалликлар тарқалишининг олди олинмоқда. «Она ва бола скрининги» дастурида белгиланган вазифалар ҳаётга татбиқ этилиши туфайли ирсий ва туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан буён 1,8 марта камайди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг юртимиздаги ваколатхонаси, БМТ Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Ўзбекистон педиатрлар уюшмаси ўртасидаги ҳамкорлик бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирди. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги «2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»-

ги қарори ва «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида бундай эзгу ишлар кўлами янада кенгаётир.

Педиатрия соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш мақсадида 2014 йилги Инвестиция дастури доирасида Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг хирургия бўлими реконструкция қилинган аҳоли учун катта қулайлик яратмоқда.

Тиббиётнинг кундан-кунга ривожланиши натижасида соғлом туғилиш кўрсаткичлари ортди. Бугунги кунда жаҳон тиббиётида беш юз грамм вазн билан туғилган болаларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун курашиш имконияти юзага келди. Мазкур йўналишдаги илғор технологиялар мамлакатимиз тиббиётида ҳам самарали қўлланилмоқда.

Анжуман иштирокчилари мамлакатимиз тиббиётида эришилаётган бу каби ютуқларни юқори баҳолаб, Ўзбекистон БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича глобал жараённинг фаол иштирокчиси экани ва бу борада давлатлар олдига қўйилган вазифаларни мамлакатимиз ҳаётга муваффақиятли татбиқ этаётгани,

кўплаб кўрсаткичлар бўйича етакчилик қилаётганини таъкидлади.

Мазкур анжуман педиатриянинг долзарб масалаларини ҳамкорликда кўриб чиқиш, янгиликларни оммалаштириш, истиқболдаги вазифаларни белгилаб олиш учун яхши имконият бўлиб, педиатрияда ўз ечимини қутаётган устувор масалаларни ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилади.

Форум доирасида мамлакатимиз олимлари ва хорижлик мутахассислар педиатриянинг долзарб масалалари бўйича фикр алмашдилар, педиатрияда кам инвазивли жарроҳлик, қулоқ, томоқ, бурун касалликларини жарроҳлик йўли билан даволашдаги замонавий ёндашувлар бўйича кўрғазмали операциялар ўтказилди.

Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия, Польша, Чехия, Германия, Австрия, Словакия, Россия, АҚШ каби давлатлар ва халқор ташкилотлардан вакиллар иштирок этган форумда намойиш этилган кўрғазма ва хужжатли фильмда Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида эришилган ютуқлар, оналар ва болалар саломатлигини муҳофазалаш бўйича яратилган тизимнинг ўзига хос жиҳатлари акс этди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,**  
«Turkiston» мухбири

# ОДАМЗОД ВУЖУДИДАГИ ОҒРИҚ

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

— **ОИТСга қарши кураш бутун дунёда энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада Республика ОИТСга қарши кураш маркази қандай ишларни амалга оширмоқда?**

**Гулифар Нормуротова:** — Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Аҳоли саломатлигини сақлаш борасида давлатимиз раҳбарининг кўплаб фармон ва қарорлари қабул қилинди. Хусусан, Президентимизнинг 2008 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши курашнинг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда ОИВ инфекциясининг тарқалиб кетишига қарши кураш чора-тадбирларининг энг кенг қамровлиси бўлди. Мазкур қарор ОИВга қарши курашнинг ягона тизимини ташкил этиш, мазкур инфекция тарқалишининг олдини олиш ва аҳолини бу касалликдан ҳимоя қилиш борасида ўтказилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш, ОИВга қарши кураш марказларининг моддий техник базасини яхшилаш, бу касалликка қарши курашда фаоллик кўрсатаётган тиббиёт ходимларининг моддий рағбатлантирилишини таъминлашга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, унинг асосида қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бугун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг методик ёрдамида ўндан ортқ миллий даволаш протоколлари тайёрланди ва амалиётга татбиқ этилди. Ҳозирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш марказлари, шунингдек, 59та туманлараро ОИТС диагностика лабораторияси, тиббиёт муассасаларида ўнта ОИТС диагностика лабораторияси ишлаб турибди. Бешта худудий ОИТСга қарши кураш маркази учун янги бино қурилиб фойдаланишга топширилди. Қолган марказ ва барча туманлараро ОИТС лабораториялари ҳам мукамал таъмирланиб, замонавий диагностика ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Айни пайтда Миллий режага мувофиқ ОИВ инфекциясини юктириб олган шахсларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида Республика ОИТСга қарши кураш маркази қошида олтиш ўринга мўлжалланган клиника ташкил этилган. Ушбу клиника қошида ОИВ инфекциясига чалинган беморларни даволаш, парваришlash ва қўллаб-қувватлаш бўйича Марказий Осиё бўйича ўқув маркази фаолият кўрсатмоқда.

**Эъзоза Абдумуталова:** — Мамлакатимизда ОИВ билан касалланган беморларни самарали даволаш, парваришlash, қўллаб-қувватлаш дастурлари амалга оширилмоқда. Беморлар дастурга асосан, ОИВга қарши дори воситалари (ЮФАРТ) билан етарли даражада таъминла-

ниб, бепул даволанапти. Аҳоли ўртасида ОИВ инфекцияси профилактикаси бўйича кенг қамровли тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилмоқда. Юртимизда ОИВ инфекциясининг вертикал трансмиссияси (онадан болага ўтиши) профилактикаси бўйича ҳам самарали ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, ОИВ инфекцияли ҳомиладор аёллар ва улардан туғилган болалар антиретровирусли дори воситалари билан махсус даволанмоқда. Натижада ОИВ инфекцияси мавжуд бўлган ҳомиладор аёллардан 98,1 фоиз ҳолатда соғлом бола дунёга келган.

Ҳозирда марказ мутахассислари ОИВ инфекциясига лаборатория усулида ташхис қўйиш, аҳолини ушбу касалликдан муҳофаза қилиш, даволаш тадбирларини олиб боришда ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганмоқда. Шу билан бирга, миллий кадрларимиз, урф-одатларимиз ва менталитетимиздан келиб чиққан ҳолда кенг қўламли тадбирлар ўтказилляпти.

— **Одамларда ОИВ/ОИТС касаллигини қандай аниқлаш мумкин?**

**Э.Абдумуталова:** — Одам иммунитет танқислиги вирусини инсон организмга тушгандан сўнг баъзан ўн йиллар давомида ҳам клиник белгилари намоён бўлмастлиги мумкин. Шунинг учун бу касалликни юктирганлар аксарият ҳолларда касалликка чалингани сезмайди. Вирус организмнинг иммун тизимини издан чиқаргач, муайян бир касаллик, масалан, пневмония, сил, ҳар хил кандидозлар ва бошқа инфекциялар хуружини организм енголмай қолганида ҳамда бемор шифохонага ўша касаллиги бўйича муружаат қилганида, бу хасталикка чалингани аён бўлади. Шу сабаб юртдошларимиз тиббий текширувдан вақти-вақти билан ўтиб туриши керак. Агар ОИВ инфекциясини юктириш хавфини туғдирган омиллар кузатилган бўлса, ОИВга текширувдан ўтиш учун республикамизнинг барча даволаш-профилактика муассасаларига муружаат қилиш мумкин. Текширув натижалари сир сақланиши кафолатланади.

— **Ёшлар орасида ОИТСнинг олдини олиш борасида марказ томонидан қандай тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориляпти?**

**Э.Абдумуталова:** — Бу борада марказ томонидан аҳоли, айниқса, ёшлар орасида юқумли касалликлар профилактикаси, шахсий гигиенага доир ўқув қўлланмалар, услубий таълим материаллари, фильмлар орқали ахборот-тушунтириш ишлари олиб бориляпти. ОИТС профилактикаси борасида оммавий ахборот воситалари, хусусан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида маънан етук, жисмонан соғлом ёшларни камол топтиришга қаратилган ОИВ/ОИТС мавзуда ўзбек ва рус тилларида кўрсатувлар ҳамда радиоэшиттиришлар доимий равишда эфирга узатилмоқда. Шунингдек, олий таълим муассасалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида мутахассислар иштирокида учрашувлар ўтказилиб, талаба-ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берилмоқда.

Бундан ташқари, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтларида ОИВ/ОИТСнинг олдини олиш бўйича мақсадли курслар ташкил этил-

япти. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида соғлиқни сақлаш тизимидаги мутахассислар иштирокида 16499та маъруза, 115065та суҳбат, 6125та давра суҳбати, 311та семинар, 95та телекўрсатув, 632та радиоэшиттириш ташкил этилди. Газета ва журналларда 120та мақола эълон қилинди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ёш авлодни соғлом турмуш тарзи ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг имкониятларини рўёбга чиқариш ҳамда гиёҳвандлик, чекиш, ичкиликбозлик, ҳуқуқбузарликлар ва ОИТС каби иллатларнинг ёшлар орасида тарқалишининг олдини олишга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

— **Тенгдошларимиз ушбу касалликдан мутлақо холи бўлиши учун нималарга эътибор қаратиши зарур деб ҳисоблайсиз?**

**Г.Нормуротова:** — ОИВ инфекциясининг олдини олишда махсус ва тезкор профилактик воситаларнинг йўқлиги сабабли умумий характерга эга бўлган профилактик чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ўтказилаётган чора-тадбирлар, асосан, аҳоли орасида, айниқса, касаллик юқиш хавфи юқори бўлганларга қаратилган бўлиши зарур. Шунингдек, ОИВ инфекциясини юқишининг олдини олиш, касалликдан сақланишда хавфли гуруҳга мансуб шахсларнинг хулқ-атворини яхши томонга ўзгартириш учун улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, зарарли одатлар (чекиш, алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш, наркотик моддаларни инъекцион йўл билан қабул қилишдан воз кечиш тўғрисидаги тушунтириш тарғибот-ташвиқот тадбирларини мунтазам ўтказиб бориш мақсадга мувофиқ. Мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юрталари талабалари ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, ОИВ инфекцияси тўғрисида кўпроқ маълумот берилиши зарур. Бундан ташқари, аҳоли ва ёшлар орасида маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш орқали ОИВ касаллигининг олдини олишга даъват этиш, ихтиёрли маслаҳат ва тиббий текширувдан ўтказишни кенгайтириш лозим.

— **Дунёда ОИВ инфекциясини юктирган кишининг умрини соғлом одамнинг умричалик чўзиш мумкин, деган фикрлар илгари сурилмоқда. Бунинг учун у доимий равишда шифокор назоратида бўлиши ва махсус антиретровирус препаратларини қабул қилиб туриши зарур эмиш. Бу қанчалик ҳақиқат? Умуман, тиббиётда ушбу касалликнинг чораси топилганми?**

**Г.Нормуротова:** — Бугунги кунда ОИВ билан касалланган шахсни вирусдан бутунлай холи қиладиган дори воситаси мавжуд эмас. Бунга сабаб вируснинг ўта ўзгарувчанлигидир. Кўп давлатларда ОИВ инфекциясига қарши вакцина ва дори воситасини яратиш бўйича илмий изланишлар олиб бориляпти. Яқин йилларда ушбу касалликдан бутунлай холи қилувчи усул яратилиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас. Ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда ОИВ инфекциясини юктирган одамнинг умрини соғлом

одамнинг умричалик чўзиш мумкин. Бунга фақат ретровирусга қарши терапия орқали эришиш мумкин. ОИВ ретровирусга оиласига мансуб вирус бўлгани учун унга қарши дори воситалари ретровирусга қарши препаратлар дейилади. Даволаш усули эса ретровирусга қарши терапия (РВКТ) деб аталади. РВКТ уч ва ундан кўп дори препаратларини қўшиб қабул қилишдан иборат. Сабаби, агар бемор фақат битта дори қабул қилса, ОИВ уни дарров таниб қолади ва ундан осон ҳимояланади, яъни чидамлилини ўрганиб олади ва оқибатда унга дори таъсир қилмай қўяди. Бундан қочишнинг ягона усули, яъни чидамлили ривожланмаслиги учун беморга уч ва ундан кўп дори препаратлари бир вақтда берилади. Бу РВКТ қабул қилиш схемаси дейилади. РВКТ вирусни тўлиқ йўқ қилмас ҳам, унинг бемор организмда кўпайиб боришига йўл қўймайди, яъни унинг таъсирида қонда вируслар сони камайиб, иммунитет кучаяди, вирусга қарши курашувчи ҳужайраларнинг (СД 4) сони ортиб, беморнинг аҳоли яхшиланган боради. ОИВ инфекцияли шахсни соғлом ҳаёт кечириши ва узоқ умр кўришига имкон яратади.

Ўзбекистонда ОИВ инфекциясини РВКТ билан даволаш давлат томонидан кафолатланади ва бугунги кунда у барча ОИТСга қарши кураш марказлари томонидан бепул амалга оширилмоқда. Бу дорилар фақат ОИТСга қарши кураш марказлари врачлари томонидан буюрилади. Аммо дориини ичиш бўйича қарорни беморнинг ўзи қабул қилиши керак. Чунки ҳар бир бемор РВКТ дориларини бутун ҳаёти давомида ичиб юриши зарур.

— **Хорижда узоқ вақт бўлиб, Ўзбекистонга қайтган юртдошларимиз орасида ОИВ инфекцияси билан касаллини ҳолатлари ҳам учраяптими?**

**Э.Абдумуталова:** — ОИВ инфекцияси эпидемияси миграция жараёнига, миграция жараёни эса, ўз навбатида ОИВ инфекцияси эпидемиясига таъсир этади ва мигрантларни хавфли хулқ-атвор шакллари ОИВ инфекциясини юктириб олишга шароит туғдиради. Меҳнат мигрантлари орасида ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш тадбирларини мувофиқлаштириш Республика комиссиясининг 2013 йил 1 июндаги қарори билан «Чет давлатлардан Ўзбекистонга қайиб келаётган Ўзбекистон Республикасининг фуқароларини ОИВ инфекцияси юзасидан текшириш ва касаллик тарқалишининг олдини олиш бўйича Тартиб» тасдиқланди. Ушбу Тартибга асосан, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Божхона кўмитаси ҳамкорлигида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Шунга мувофиқ, меҳнат мигрантлари ҳамда уларнинг оила аъзолари ўртасида ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган қатор тадбирлар олиб бориляпти.

**Г.Нормуротова:** — Бугунги кунда одамнинг иммунитет танқислиги вируси оқибатида келиб чиқадиган касаллик барча мамлакатлар учун глобал муаммага айланди. Ушбу касаллик

аҳолининг меҳнатга қобилиятли қисмини зарарлаши, бундай беморларни даволаш ва ижтимоий ҳимоя қилишга кетадиган сарф-харажатларнинг катталиги, шунингдек, мамлакат демографик ҳолатига ва иқтисодий тарққиётига хавф туғдириши мазкур муаммага қарши курашнинг ягона самарадор усули ва воситаларини жорий этишни тақозо этмоқда. 2013 йил 23 сентябрда «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши тизимдаги ишларни янада юқори босқичга олиб чиқишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу қонун қабул қилингандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 сентябрдаги «2014 — 2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги ҳамда ОИВ инфекциясига чалинган 18 ёшгача бўлган болаларнинг ижтимоий муҳофазаси билан боғлиқ қарорлари қабул қилинди.

— **Дунёнинг кўпгина давлатларида ОИВ/ОИТС инфекциясини бошқа шахсларга юктирганлик учун жавобгарлик белгиланган. Айрим давлатларда бунинг учун оғир жазо тайинланади. Мамлакатимиз қонунчилигида бу борада қандай чоралар кўрилиши белгиланган?**


**Э.Абдумуталова:** — Мамлакатимизда ОИВ инфекциясини бошқа шахсларга юктириш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида қонун ҳужжатларида муҳим тадбирлар белгилаб қўйилган. «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 19-моддасида ОИВни юктириб олганлар тиббиёт ходимлари томонидан тавсия этилган ОИВ инфекциясини тарқатмасликка доир чора-тадбирларни бажариши, соғлом одамлар билан мулоқотда эҳтиёт чораларига риоя этиши, жинсий шеригини, шунингдек, тери ва шиллик қатламларнинг яхлитлигини бузувчи муолажаларда санчиладиган ва кесадиган асбоблардан фойдаланадиган тиббиёт ходимларини ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларини ўз касаллиги тўғрисида хабардор этиши шартлиги белгилаб қўйилган. Қонуннинг 25-моддасида эса мазкур қонун ҳужжатларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавоб бериши кўрсатилган.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
**«Turkiston» мухбири**

Adabiyotga e'tibor — ma'naviyatga, kelajakka e'tibor

# «Улуғ салтанат» эпопеяси китобхон эътиборида

Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати Муҳаммад Али қаламига мансуб «Улуғ салтанат» эпопеясининг тақдироти бўлиб ўтди.



Конституциямизнинг 22 йиллигига бағишланган кечада адабий жамоатчилик вакиллари, шоир-ёзувчилар, олимлар, санъаткорлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва бир гуруҳ ёшлар иштирок этди.

Юртбошимизнинг «Кимки Ўзбек номини, Ўзбек миллатининг кучкудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса,

Амир Темур сиймосини эслаши керак» деган пурмаъно фикри нечоғлик ҳаётий ҳақиқат эканига мазкур эпопеяни муталаа қилган ҳар бир китобхон яна бир бор амин бўлади.

Юридик фанлари доктори, профессор Ак-

мал Саидов эпопеяни мустақиллик даврида яратилган тарихий романчиликдаги катта ютуқ сифатида баҳолаб, романнинг тўртинчи — «Шоҳрух Мирзо» қисмида берилган эпиглодан иқтибос келтирди:

«Соҳибқирон ҳақида

асар ёзишга киришар эканман, ишни нимадан бошлашни билмай, узок ўйларга ботдим. Бу улкан осмонўпар тоғ бўлиб, у чамага сифмас, ақлга бўй бермасди. Бунда табиатнинг ўзи ёрдамга келди: унда тўрт фасл бор эди, баҳор, ёз, куз, қиш. Дунё ҳам тўрт томонга эга — шарқ, ғарб, шимол, жануб. Коинотнинг тожи бўлган Инсон ҳам тўрт унсурдан яралган, инсон умрининг ҳам тўрт фасли маълум — болалик, йигитлик, етуклик, кексалик. Алишер Навоийнинг «Ҳазойин ул-маъоний»си ҳам тўрт девондан иборат...

Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳам тўрт ўғли бўлган экан — Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо ва Шоҳрух Мирзо... Бас, Соҳибқирон ҳақидаги китоб тетралогия-эпопея бўлиши ва тўрт китобнинг ҳар бири рамзий маънода бир ўғил

номи билан аталиши лозим, номи «Улуғ салтанат» деб қўйилсин деган қарорга келдим».

Тадбирда адабиётшунос олим, академик Бахтиёр Назаров, Амир Темур халқаро хайрия жамғармаси раҳбарининг ўринбосари Тўлқин Ҳайит, тарих фанлари номзоди, темуршунос олим Омонулло Бўриев, филология фанлари доктори, профессор Насимхон Раҳмонов, журналист Тўлқин Эшбек сўз олиб, «Улуғ салтанат» эпопеяси абадиётга дохил йирик роман, Ўзбек адабиётида ўзига хос воқеа эканини эътироф этди. Келажакда эпопеяни бошқа тилларга таржима қилиш, унинг асл талқинини, туб моҳиятини жаҳонга тарғиб қилиш йўллари ҳақида таклифлар билдирилди.

**Алибек ОМОНТУРДИЕВ,**  
«Turkiston» муҳбири

## E'tibor

Бадий гимнастикага ихтисослашган республика болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабида хотин-қизлар ўртасида «Гимнастика барча учун» анъанавий мусобақаси бўлиб ўтди.

## Нафосат Вашижоат уйғунлигида

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Республика гимнастика федерацияси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу мусобақа хотин-қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни омалаштириш, оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш, қизларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мусобақанинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқиб, Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ижодий-интеллектуал, маънавий ва жисмоний салоҳиятини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда юртимизда аёллар спортини ривожлантириш борасидаги кенг қўламли ишлар натижасида етти миллиондан зиёд хотин-қиз спортга жалб этилди. Шундан уч миллиондан ортиги мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг халқаро мусобақаларда қўлга киритаётган ютуқлари йилдан-йилга ошиб бораётгани янада қувонарлидир. «Гимнастика барча учун» республика мусобақаси ҳам уларнинг иқтидорини намоён этишида муҳим омил бўлмоқда. Бу йилги мусобақада мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан жами 160 нафардан ортиқ опа-сингилларимиз қатнашди. Жамоалар тайёрлаган композициялар ижро маҳорати, рақс ва гимнастика элементларини бажариш қобилияти бўйича баҳоланди.

Мусобақада Наманган вилоятининг «Фантазия» жамоаси биринчи, Навоий вилоятининг «Қизилқум гавҳари» жамоаси иккинчи, Самарқанд вилоятининг «Самарқанд юлдузи» жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди.

**Санжар ИСМАТОВ,**  
«Turkiston» муҳбири

## Бунақаси бўлмаган эди!

— дейди халқаро танлов иштирокчилари

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

Танловнинг германиялик ва Жанубий Африка Республикасидан келган қатнашчилари ҳамда уларни «дугоналарим» деб таништирган Барно Исмадуллаеванинг жўровозликда куйлаган «Дугоналар, бормисиз, омонмисиз?» кўшиғидан куйлаган парчаси залда ўтирган барча томошабиннинг юрагига қувонч ва илиқлик олиб кирди — узок муддат қарсақларнинг кети узилмади.

Қувонарлиси, Ватанимизда ташкил этилган ушбу халқаро тадбир юқори савияда ўтказилгани билан бошқаларидан ажралиб туради. Гапимизнинг исботини Халқаро анжуманлар саройидан ўрин олган концерт дастурининг ўзи ҳам кўрсатади. Саройга киришимиз билан қалбимизни ажиб ҳислар чулғаб олди. Муҳташам сарой ўзининг энг сўнги замонавий жиҳоз ва безаклари билан барчани бирдек лол қолдирди. Ўзбекистон ёшларидан ташкил топган оркестр ҳамда тажрибали дирижёр ҳам чет эллик меҳмонларнинг таҳсинига сазовор бўлди. Дунёда операнинг басс пар-



Рустам Назарматов олган сурат

даси бўйича донг таратган Рене Папе ташрифининг ўзи ҳам тадбир савияси ва аҳамиятининг юқорилигидан далолат беради.

«Competizione dell'Opera» танловининг бадий раҳбари ва директори Ҳанс Иоахим Фрейд ҳаяжонини яширолмади.

— Бугун шундай ажойиб намоишлар ва ижроларнинг гувоҳи бўлдикки, бундай юқори савияда ташкил этилган байрамни ушбу танлов ўз тарихида ҳали кўрган эмас. Хурсандчилик билан айтаманки, ушбу конкурс

шундай жаннатмакон шахрингиздан ўзининг янги уйини топди.

Тадбир сўнгида юртимиз меҳмонлари ташкилотчилар, иштирокчилар, барча қатнашчилар ва мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримовга самимий меҳмондўстлик, илиқ муносабат, ана шундай ажойиб намоишлар ва танловни ўтказишга яратилган кенг шароитлар учун ташаккурлар айтди.

**Парвина ОМОНОВА,**  
«Turkiston» муҳбири

3-dekabr — Xalqaro nogironlar kuni

## Халқаро грант соҳибу

2012 йили Халқаро ногиронлар куни муносабати билан Япониянинг Осака шаҳрида қарлар маданият маркази раҳбари Гўзал Шодиева бошчилигида ташкил этилган концертда ўзбекистонлик қар ва соқов болалар иштирок этиб, фахрли 1-ўринни қўлга киритганди.

Япониялик ҳамкасблари билан фикр алмашгач, моҳир педагог Ўзбекистонга қайтиши билан янги лойиҳа ишлаб чиқди. Бу ишда унга қизи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Шодиева ва Тошкент шаҳридаги 101-маҳсус қарлар мактаб-ин-

тернати ўқитувчиси Элвир Лигай кўмаклашди.

Ўтган йили лойиҳа республикамиз ҳудудларида кўр-соқовларни қидиришда синаб кўрилиб, ижобий натижа берди.

Жорий йилнинг 16—18 ноябрь кунлари Фарғона, Наманган ва Андижон ша-

ҳарларида Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ҳамда Ўзбекистон қарлар маданият маркази ҳамкорлигида 150 нафар эксперт иштирокида кўр-соқовлар учун семинар-тренинг ўтказилди. Гўзал Шодиеванинг лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган машқлар — қўлни қўлга қўйиб имо-ишора ёрдамида тушунтириш, брайл алифбоси асосида ҳарф ва сўзларни ўқишни ўрганиш ва бошқалар намоиш этилди.

JICA президенти Акихико Танака ушбу лойиҳани қўллаб-қувватлашини маъ-

лум қилиб, Ўзбекистон қарлар маданият марказига ташкилот грантини топширди. Келгусида ҳамкорликни давом эттириш ва лойиҳани ривожлантириш зарурлигини қайд этди.

Ўз навбатида, Гўзал Шодиева семинар-тренинг юртимизнинг барча минтақаларида давом этишини, шу аснода кўр-соқовлар учун ишора тилида яқинлари билан гаплашиш, брайл алифбосини ўрганиш имконияти янада кенгайтишини таъкидлади.

**Маъмур АХЛИДДИНОВ,**  
Тошкент шаҳридаги  
102-заиф эшитувчи  
болалар маҳсус мактаб-интернатининг собиқ  
ўқувчиси

## Yosh tadbirkor — yurtga madadkor

## Хамкорликга ҳал қилинмоқда

Оққўрғон туманида аҳоли, жумладан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

— Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлашда хамкорликдаги ишларимиз яхши самара бераётир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Оққўрғон тумани бўлими раиси Ботир Холиқулов. — Корхона ва ташкилот раҳбарлари, «Камолот» ЁИХ, хотин-қизлар кўмитаси ва маҳаллалар хамкорлигида, тижорат банклари кўмагида битирувчиларнинг мурожаатлари ижобий ҳал қилинмоқда.

Туман бўйича битирувчи қизларнинг 500 нафардан зиёди ишга жалб қилинди. Қизларнинг бандлигини таъминлаш бўйича МФИларда ҳам қизгин ишлар олиб борилди. Битирувчи қизларнинг 33 нафара тadbirkorлик фаолияти билан шуғулланиш истиагини билдирди. Ўз бизнес лойиҳасини муваффақиятли ҳимоя қилган битирувчиларнинг 9 нафари имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлди. Коллеж битирувчиси Соҳиба Абдумаликова ана шундай ишбилармон ёшлардан.

Туманнинг «Шохрухия» ҚФЙга қарашли «Ҳосилдор» маҳалласида яшовчи Соҳиба Абдумаликова ўз қишлоғида тикувчилик цехи очди. У бизнес лойиҳасини тақдим этиб, «Микрокредитбанк»нинг Оққўрғон тумани филиалидан 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит олди. Натижада саккизта янги иш ўрни яратилди.

— Айни кунларда ишимиз жуда қизгин, — дейди Соҳиба Абдумаликова. — Кредит ҳисобидан ўн та янги тикув машинаси харид қилдик. Ҳозирда буюртмачилар учун махсус ишчи кийимлари, спорт либослари тикиб тайёрлаёмиз. Энди банкдан яна 40 миллион сўм имтиёзли кредит олиб иш жойимизни янада кенгайтириш ниятидамыз. Яқин кунларда болалар кийимлари, пар кўрпа ва пар ёстиқ тикишни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Коллежни битирган яна ўн нафар тенгдошим иш билан таъминланади.

Худди шунингдек, «Агробанк»нинг туман филиалидан 17 нафар касб-хунар коллежи битирувчисига жами 71 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Ушбу битирувчилар айни дамларда якка тартибдаги тadbirkorлик фаолияти билан машғул.

Ашурали БОЙМУРОД,  
«Turkiston» мухбири

## Biznesga ilk qadam

Кегейлик ёш фермер Баходир Сапартаевнинг 70 гектар ери бор. Асосан пахта, ғалла, турли сабзавотлар етиштиради. Шахсий хўжалигида паррандачиликни ҳам йўлга қўйган.

2010 йилда Баходир туманда биринчи бўлиб қуритилган мева-сабзавотлар ишлаб чиқаришни бошлади. Мини цех ташкил қилди. Хориждан махсус технологияни олиб келиб, ўрнатди. Ҳозир кичик корхонасида 14 нафар ишчи меҳнат қилади. Тўрт нафари коллеж битирувчиси.

— Серҳосил заминимизда турфа фойдали, витаминларга бой экинлар етиштирсан бўлади, — дейди Баходир Сапартаев. — Сабзи, қовоқ, лавлаги каби сабзавотларни қуритишнинг иқтисодий самарадорлиги юқори. Бундай маҳсулотлар йил бўйи истеъмол қилинади, демак, исталган фаслда сотиш мумкин. Улардан озик-овқат саноатида ҳам кенг фойдаланилади. Туманимизда қуритилган мева-сабзавотлар ишлаб чиқарувчи бошқа корхона йўқ. Даромад яхши. Келгусида маҳсулотларимизни экспорт қилиш ниятидамыз.

Тенгдошимиз олдида қўйган



мақсадини рўёбга чиқариш учун бизнес режа тузди. Бу йил «Ёш тadbirkor — юртга мадакор» кўрик-танловида қатнашиб, ғолиб бўлди. Энди у банкдан 50 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олиш имконига эга. Кредит маблағларини технологик линияни янгилаш ва замонавий

ускуналар харид қилишга сарфламоқчи. Келгусида Кегейликда қадоқланган Ўзбекистоннинг мева-сабзавотлари хорижда ўз харидорини топишига ишончимиз комил.

Наргиза БАХОДИРОВА,  
Носир Ҳайдаров олган сурат



«Музаққир аҳбоб» китобида бухоролик шоир Мавлоно Касирий ҳақида маълумот берилар экан, унинг дурадгор бўлгани айтилиб, шу касбга хос асбоб-ускуналар воситасида хунарманднинг хислатлари, феъл-атвори тасвирлана-

## Теша, ранда ва арра ҳикояти

ди. «Инсонийликнинг энг яхши сифату хислатларидан бири бўлмиш инсофлик фазилати унда муҷассам экан, — деб ёзади тазкира муаллифи Ҳасанхожа Нисорий, — қайси ишга қўл урмасин, уни бошқалардан ортиқ даражада урдалар ва лекин инсоф қоида-сига амал қилиб, тешага ўхшаб ҳадеб ўзи томонга тортавермас, рандага ўхшаб ўз манфаатидан қуруқ ҳам қол-

мас, балки арра янглиғ адлу инсоф, ўртамиёналик билан иш тутар экан». Нисорий бу ҳақда шундай сўзларни айтади: «Тешадек доим ўзинг томон йўнаверма, ранда каби ўз ишингдан бебаҳра ҳам қолма. Тирикчилик илмида аррага ўхша, бирон нарсани ўзингга ҳам торт, бошқалар томон ҳам соч».

(«Ривоятлар ва ҳикоятлар» китобидан)

## Yong'in xavfsizligi ovligi

## Уйингиз тинч бўлсин

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги мамлакатимизнинг барча ҳудудларида уюшқоқлик билан ўтказилаяпти. Ойлик доирасида корхона-ташкilotлар, маҳалла ва аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Сергели туман ёнғин хавфсизлиги хизматининг шахсий таркиби ҳам бу борада самарали ишлар олиб бораёпти. Газ ва электр тармоқлари ходимлари тумандаги ҳар бир хонадонни кўздан кечириб, уй-

ларнинг хавфсизлик ҳолатини текширмоқда. Шунингдек, хонадон эгаларига зарур тавсиялар берилмоқда. Кўп қаватли уйлар ва сув қувурларининг қиш мавсумига созлигига ҳам эътибор қаратилиб, юзага ке-



лиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш борасида хавфсизлик чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Нуриддин БУРҲОНОВ,  
Сергели тумани ИИБ ЁХБ  
5-ҲҲХО катта муҳандиси,  
кичик сержант



Ўзбекистон Фанлар академиясининг биринчи президенти ким?

Жавобингизни 5 декабрь соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:  
Атмосфера босими.

Нишон туманидан Шаҳзод Абраҳматов тўғри жавоб йўллади.

Тлафакқур қилмонидан бир қатъра

Йигитликда йиғилмининг маҳзани,  
Қариллик чоғи сарф қилғил ани.

Алишер Навоий

